

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКАУНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРАЗМЕТОВА ШОИРА АЗАТБАЕВНА**

**РАҚАМЛИ РЕСУРСЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.06- Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
педагогическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical  
science**

**Уразметова Шоира Азатбаевна**

Рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот  
компетентлигини ривожлантириш..... 3

**Уразметова Шоира Азатбаевна**

Развитие информационной компетентности студентов на основе  
моделирования цифровых ресурсов..... 21

**Urazmetova Shoira Azatbayevna**

Development of students ' information competence based on modeling of  
digital resources..... 38

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКАУНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**УРАЗМЕТОВА ШОИРА АЗАТБАЕВНА**

**РАҚАМЛИ РЕСУРСЛАРНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ АСОСИДА  
ТАЛАБАЛАРНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.06- Электрон таълим назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2022

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/PeD2934 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна**  
педагогика фанлари доктори, доцент

**Мўминов Баҳодир Балтаевич**  
техника фанлар доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.Ped.P.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй.) Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100085, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-75-87; факс: (99871) 276-80-86.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**М.Э.Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, пед.ф.д., профессор, академик

**Р.Г.Исянов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, пед.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги семинар раиси, п.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон таълим муассасаларида рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг креатив таълим технологиялари таълим жараёнига тадбиқ этилмоқда. Халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлар томонидан қабул қилинган 2030 йилгача янги таълим концепциясида “Таълим – таракқиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларга етказувчи муҳим фаолият”, деб эътироф қилинган<sup>1</sup>. Сифатли таълим бериш, ўрганувчи ва талабаларнинг малака ҳамда қобилиятларини юқори даражада ривожлантириш, электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш, таълим жараёнини моделлаштиришнинг истиқболли йўналишларини белгилашда замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини таълим жараёнига тадбиқ этиш бўйича йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Жаҳон таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида электрон ахборот-таълим ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, фанларнинг методик таъминотини такомиллаштириш, талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш, машғулотларда мультимедиа, ахборот-коммуникация технологияларидан кенг қўламда ва оммавий фойдаланиш масалалари бўйича халқаро илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, иқтисодиётни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида ривожлантириш, бошқарув жараёнига янги ахборот технологияларини жорий қилиш, фаолият соҳалари бўйича талабаларга инновацион билим бериш, касбий кўникма ва малакаларни доимий такомиллаштириб бориш бўйича илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда олий таълим мобиллигини таъминлаш, иқтисодиётнинг реал соҳаларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш, таълим жараёнини модернизациялаш, Россия, Беларуссия, Франция, Жанубий Корея, АҚШ, Хитой, Япония, Туркия, Ҳиндистон, Латвия давлатларининг нуфузли олий таълим муассасалари филиаллари, қўшма факультетлар, қўшма таълим марказлари ташкил этилиб, уларнинг моддий техник базаси яратилмоқда. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сиёсатини давом эттириш” устувор вазифа сифатида белгиланган<sup>2</sup>. Бунда таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашнинг имкониятларини янада кенгайтиради.

Мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон

<sup>1</sup>Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. – p.4-5. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – “Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари тўплами”, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон “Рақамли Ўзбекистон - 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни IT-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарорлари, ҳамда мазкур соҳага таъбллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикада А.А.Абдуқодиров, Б.А.Абдуллаева, М.М.Арипов, У.Ш.Бегимкулов, Р.Боқиев, Ф.Зокирова, Р.Г.Исянов, М.Ҳ.Лутфиллаев, Н.А.Муслимов, М.Э.Мамаражабов, Д.Маматов, И.И.Тайлақов, Д.Тоштемиров, С.Қ.Турсунов, А.Ғ.Ҳайитов, Ш.С.Шарипов, Р.Д.Шодиев, Т.Т.Шоймардонов, У.Юлдашев каби олимлар томонидан ўтказилган таълим жараёнида қўлланилаётган технологияларнинг таркибий қисми бўлган ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг назарий ва методик асослари ҳамда электрон адабиётлар, электрон ахборот-таълим ресурслари, дастурий қобиқларни яратиш, таълим жараёнида қўллаш имкониятлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришган.

МДХ да ахборот технологияларини ўрганиш бўйича Б.С.Гершунский, М.А.Иванова, Е.И.Машбиц, О.С.Степановалар, фанларнинг методик таъминотини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш, электрон таълим ресурслари, масофали таълим курсларини яратиш ва улар ёрдамида таълим жараёнини ташкил этиш бўйича В.В.Довган, И.В.Роберт кабилар тадқиқотлар олиб борган. Ахборот технологияларини ўрганишда баҳолаш самарадорлигидан фойдаланиш масалаларини А.А.Беспалько, В.А.Рижовлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда ахборот-коммуникация технологияларини таълимда жорий этиш ва рақамли ресурсларни моделлаштириш A.Brown, David F. Noble, Bob Johnstone, M.R.Martinez-Torres, S.L.Toral Marin, F.Barrero Garcia, S.Gallardo Vazquez, M.Arias Oliva, T.Torres кабилар тадқиқот ишларини олиб боришган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган ЕА-1-26 рақамли «Аниқ

фанлардан электрон методик мажмуа яратиш» номли ёш олимлар амалий лойиха доирасида бажарилган (2015-2017 й.).

**Тадқиқотнинг мақсади** рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

талабаларнинг ахборот компетентлигини рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш методикасини такомиллаштириш;

талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг тузилмавий-мазмунли моделини такомиллаштириш;

талабаларнинг ахборот компетентликнинг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезони ва кўрсаткичларини аниқлаш, жараён самарадорлигини оширишга қаратилган методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали, Нукус филиали ва Фарғона филиалларининг 2-курс талабаларидан 510 нафар талабалар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот мавзусига оид илмий, методик, электрон манбаларни қиёсий-танқидий ўрганиш ва таҳлил этишда, олий таълим муассасалари давлат таълим стандартлари ва малака талабалари ҳамда ўқув жараёнида қўлланилиб келаётган илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, анкета-сўров, суҳбат, кузатиш, онлайн стандарт ва ностандарт тест, лойиҳалаш, тажриба-синов ишлари натижалари математик-статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабаларнинг ахборот компетентлиги касбий ва педагогик фаолиятда самарали қарорлар қабул қилиш, рақамли технологияларини ўзлаштириш даражаси ҳамда математик, график, формулалар ва алгоритмик жараёнларни диагностик моделлаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларда ахборот компетентлик даражаси мотивацион-коммуникатив техник, ташкилий-гностик фаолиятли, креатив-рефлексив психологик компонентларини ўзини ўзи баҳолашнинг педагогик имкониятларини диагностик лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган;

талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш модели вариатив, статистик, репродуктив, продуктив қисман изланувчан, изланувчан-креатив психологик омилларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

ахборот компетентликни ривожлантириш методикаси “Blended learning”, “Flipped classroom”, Fresh технологиялари, лойиҳа, кейс-стади ва эвристик ривожлантирувчи ёндашувларга эмперик-дедуктив синхрон мослаштириш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини ривожлантиришга қаратилган тавсиялар ҳамда таълим жараёнида ахборот–коммуникация технологияларидан фойдаланиш бўйича кўрсатма тайёрланган; дискрет тузилмалар фанини ўқитиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган электрон ахборот-таълим ресурси яратилган;

тадқиқотнинг назарий ғоялари ва амалий ишланмаларидан дискрет тузилмалар фанидан маъруза, амалий машғулотларини матнли, видео, анимация, тақдимот слайдлари ёрдамида касбий фаолиятга йўналтириб ўқитиш мазмунини такомиллаштиришга хизмат қиладиган методик таъминот ишлаб чиқилган;

рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришга қаратилган электрон таълим муҳитини ҳосил қилувчи электрон ахборот-таълим ресурсини яратиш жараёни таҳлил қилиниб, улардан фойдаланиш учун кўрсатмалар берилган;

дискрет тузилмалар фанини ўқитишнинг баҳолаш мезонлари, воситалар сифатида тестлар ишлаб чиқилган ва таълим жараёнига жорий қилиниб самарадорлик аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган компетенли ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик-статистика методлари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади; муаммо Республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўпламлари, ОАК эътироф этган махсус ва хорижий журналларда чоп этилган мақолалар эълон қилинганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таклиф қилинган дискрет тузилмалар фанининг мазмуни такомиллаштирилгани, ишчи дастурларини тайёрлаш, ўқув жараёнида қўлланадиган касбий фаолиятни ташкил этишга йўналтирилган электрон ахборот-таълим ресурсининг педагогик-психологик, техник, дидактик талаблари, таркибий қисмлари, яратиш босқичлари, педагогик лойиҳаси, талабаларнинг мустақил фаолият олиб бориши, касбий фаолиятда ижодий ёндашиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган электрон ахборот-таълим ресурси, методик қўлланмалардан фойдаланиб талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган модел, мезон ва кўрсаткичлар асосида талабалар ўқув фаолиятини самарали амалга оширишга хизмат қилади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

талабаларнинг ахборот компетентлиги касбий ва педагогик фаолиятда самарали қарорлар қабул қилиш, рақамли технологияларни ўзлаштириш даражаси ҳамда математик, график, формулани ва алгоритмик жараёнларни диагностик моделлаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Дискрет математика” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи асосида берилган 522-095-рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг ахборот компетентлигини модел ва моделлаштириш асосида ривожлантириш омилларини аниқлаш имкони оширилган;

талабаларда ахборот компетентлик даражаси мотивацион-коммуникатив техник, ташкилий-гностик фаолиятли, креатив-рефлексив психологик компонентларини ўзини ўзи баҳолашнинг педагогик имкониятларини диагностик лойиҳалаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли «Таълим муассасаларида ҳамкорлик асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети илмий–техник кенгашининг 2021 йил 27 мартдаги маълумотномаси). Натижада, рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш модели ишлаб чиқилган;

талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш модели вариатив, статистик, репродуктив, продуктив қисман изланувчан, изланувчан-креатив психологик омилларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Дискрет математика” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи асосида берилган 522-095-рақамли гувоҳнома). Натижада, рақамли ресурсларни моделлаштиришнинг педагогик аспектларини аниқлаштириш даражаси ошган ва фанни дидактик таъминоти такомиллашган;

ахборот компетентликни ривожлантириш методикаси “Blended learning”, “Flipped classroom”, Flesh технологиялари, лойиҳа, кейс-стади ва эвристик ривожлантирувчи ёндашувларга империк-дедуктив синхрон мослаштириш асосида такомиллаштиришга оид таклифлар асосида “Дискрет математика” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи асосида берилган 522-095-рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг ахборот компетентлигини такомиллаштириш самарадорлиги ортган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, шундан 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 144 саҳифани ташкил этади.


## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва назарий жиҳатлари: таълимда тизимли ва узлуксиз компетенциявий ёндашув, «ахборот компетенция» тушунчасининг мазмун-моҳияти, илмий жиҳатдан асосланиши; республикамиз ва хорижий давлатларнинг педагог-олимлари ва амалиётчилари томонидан илмий асосланган тадқиқотлар таҳлил қилиниб, “рақамли таълим ресурслари”, “рақамли ресурсларни моделлаштириш”, “модел ва моделлаштириш” унинг ташкил этувчилари ва таълим жараёнидаги вазифалари аниқланди.

Ахборот компетентлиги-электрон таълим тизимида интерфаол ўзаро таъсирда педагогик мақсадларни амалга ошириш имконини берувчи замонавий механизмлар воситасида шакллантирилган, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги компетенциялардир. АКТ бўйича компетентликни ривожлантириш-ахборот маконини муваффақиятли ривожлантириш ва электрон таълим технологияларидан фойдаланиш орқали ахборот жараёнлари ва технологияларидан фойдаланишда бакалавр талабасининг ўз-ўзини ўрганиш ва ўз-ўзини тарбиялаш бўйича касбий фаолиятида асос бўлиб хизмат қилади.

Ахборот компетентлигининг таркибий компонентлари.(1-расмга қаранг).



**1-расм. Ахборот компетентлигининг таркибий компонентлари**

Ахборот компетентлигини (когнитив, мотивацион, фаолият ва коммуникатив, рефлексив) ривожлантиришнинг таркибий қисмлари тузилди, уларнинг мезонлари, даражалари ва мазмуни баён этилди.

Когнитив компонент замонавий жамиятда ахборотнинг моҳияти ва мазмуни, замонавий технологиялар асослари ва ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва шахсий компьютер билан ишлаш тамойиллари, компьютер технологиялари, асосий дастурий таъминот, дастурий маҳсулотлар ва хизматларни билиш, ахборот жамиятининг ўзига хос хусусиятларини билиш, ахборотни ҳимоя қилиш усуллари.

Мотивацион компонент бакалаврият талабаларининг электрон таълим муҳитида ўқув фаолияти учун мотивларини, уларнинг ижтимоий тармоқлардаги қизиқишларини ва бошқаларни акс эттиради, компетентликни шакллантириш жиҳатини, ўқув фаолиятида ўз-ўзини такомиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантириш ва ўз-ўзини рўёбга чиқариш зарурлигини ўз ичига олади.

Фаолият компонентида АКТдан келгуси касбий фаолиятда фойдаланиш кўникмалари акс этади; умумий ва касбий дастурий воситалар билан ишлаш кўникмаларига эга бўлиш, глобал компьютер тармоқларида ахборот билан ишлаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш.

Коммуникатив компоненти бакалаврларни тайёрлашда компетенцияларни ривожлантириш жиҳатини ўз ичига олади, электрон дарсликнинг алоқа воситаларидан, ўқув фаолиятида тескари алоқа учун интернет ресурсларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Олий таълим учун ишлаб чиқилган малака талаби 350000 алоқа ва ахборотлаштириш, телекоммуникация технологиялари ва мутахассисликлари классификатори, Ўзбекистон республикаси миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий ҳужжатда талабаларнинг умумий компетенциялари ва касбий компетенциялари белгилаб берилган. умумий компетенциялар:

ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касбий фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

янги билимларни мустақил эгаллай олиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини ташкил қила олиши лозим.

Ўқув-услубий вазифалари бўйича рақамли ресурслар куйидаги турларга ажралади (2-расмга қаранг).

<b>Тури</b>	<b>Тавсифи</b>
Электрон дарсликлар	Анъанавий дарсликларнинг прототиплари; асл электрон дарсликлар; мавзуга асосланган ўқув тизимлари; мавзуга асосланган ўқув муҳитлари.
Электрон ўқув қўлланмалар:	Репетиторлар; тренажёрлар; машғулот; машғулот-назорат; ўйин; интерфаол; мавзу тўпламлари; маълумотномалар ва луғатлар; амалий ва лаборатория.
Электрон назорат нашрлари:	Тестлар; тест топшириқлари; тест синовларига оид методик тавсиялар; воситалар.
Рақамли тасвир-матнли маълумотга эга бўлган таълим ресурси:	Дарслик ва ўқув қўлланмалар; бошланғич манбалар ва антологиялар; ўқиш учун китоблар; муаммоли китоблар ва тестлар; луғатлар; маълумотномалар; энциклопедиялар; даврий нашрлар; меъёрий ҳужжатлар; сонли маълумотлар; дастурий таъминот ва ўқув материаллари.
Визуал ахборотли рақамли таълим ресурс	Тўпламлар: иллюстрациялар; фотосуратлар; портретлар; жараён ва ҳодисаларнинг видео парчалари; тажрибалар намойишлари; видео курси; Моделлар: 2-3 ўлчамли статик ва динамик; виртуал реаллик объектлари; интерактив моделлар. Рамзий объектлар: диаграммалар; формулалар. Мавзу майдонлари учун хариталар.
Аудио ахборотли рақамли таълим ресурс	Спектаклларнинг овоз ёзувлари; мусиқа асарларининг овоз ёзувлари; ёввойи табиатнинг овоз ёзувлари; жонсиз табиатнинг овоз ёзувлари; синхрон аудио объектлар.
Аудио ва видео маълумотларли рақамли таълим ресурс	Жонли ва жонсиз табиатнинг аудио ва видео объектлари; мавзуга оид экскурсиялар; энциклопедиялар.

## **2-расм. Ўқув-услубий вазифалари бўйича рақамли ресурс турлари**

Кутилаётган натижаларни лойиҳалашда ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг турли даражалари кўзда тутилган:

қуйи-малака даражасига мувофиқ умумий маданий ва касбий вазифаларни ҳал этиш учун билим ва кўникмаларнинг минимал ва етарли мажмуини белгилаб берувчи кутилган натижаларни акс эттиришни назарда тутди.

Ўрта-умумий маданий (касбий) вазифаларни бажариш ва кейинги даражаларда малака оширишни таъминлайдиган шаклланган компетенцияларни акс эттиришни назарда тутди.

юқори-умумий маданий (касбий) вазифаларни ижодий ҳал этиш, янги соҳаларни ўзлаштириш ва малака ошириш даражасини ошириш учун интеграллашган билимлар салоҳиятидан мустақил фойдаланиш имконини берувчи, талаба олган компетенцияларни акс эттиришни ўз ичига олади.

Диссертациянинг **“Рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобда, рақамли ресурсларни моделлаштириш тузилмаси, талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг тузилмавий-мазмунли модели ҳамда таълим тизимида моделлаштирилган рақамли ресурсларни яратишнинг инновацион технологиялардан фойдаланиш самарали шакл, метод ва воситалари тадқиқ этилган.

Рақамли ресурсларни яратиш жараёнини моделлаштириш тадқиқот объектини таҳлил қилиш, моделни қуриш, натижани олиш ва уни объект билан таққослаш орқали баҳолаш каби босқичларни ўз ичига олади ва қуйидаги тамойилларга асосланади: ахборот етарлилиги; тизимлилик; объективлик; аниқлилик; амалга ошириш; кўргазмалилик; параметрлаштириш; давомийлик; редукционизм; рационаллик.

Ўқитиш усуллари ва моделлаштирилган рақамли таълим ресурс ўртасидаги мосликнинг қуйидаги расмда келтириб ўтилган.(3-расмга қаранг).


<b>Ўқитиш усуллари</b>	<b>Тегишли моделлаштирилган рақамли таълим ресурс</b>
тушунтириш	презентация, видеофрагментлар
репродуктив (мустаҳкамлаш)	ўқув дастурлари, тренажёрлар, электрон дафтарлар.
кидирув (тадқиқот)	веб-квестлар, конструкторлар, тренажерлар
эвристик (ижодий)	редакторлар, дастурлаш тиллари
назорат	тестлар, эссе, рефератлар, портфолио, электрон дафтарлар.

### **3-расм. Ўқитиш усуллари ва моделлаштирилган рақамли таълим ресурс ўртасидаги мослик.**

Ўқитишда моделлаштирилган рақамли ресурслардан фойдаланишнинг асосий дидактик мақсади-ахборот билан боғланиш, билимларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш, кўникма ва малакаларни шакллантириш ва такомиллаштириш, ўрганиш мотивациясини ошириш, ўзлаштиришни назорат қилиш ва умумлаштириш ва бошқалар.

Рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларининг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг методологик ва назарий асосларини ўрганиш натижасида тузилмавий-мазмунли модели ишлаб чиқилди.(4-расм).

Таклиф этилаётган модель ўз ичига қуйидаги таркибий қисмларни: мақсад, мазмун,ташкилий- функционал ва баҳоловчи каби қисмларданлардан иборат.



## **2.2-расм. Олий таълим тизимида рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг тузулмавий-мазмунли модели.**

Мақсадли блок ўз ичига қуйидаги компонентлар: когнитив, мотивацион-қиймат, техник-технологик, рефлексив, фаолият ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини берувчи ва бу компоненталарни шакллантириш босқичлари;

Моделнинг кейинги компоненти мазмунли бўлиб, у фаол таълим тизимида жойлашган ҳамма элементларни ўз ичига олади.

Моделимизнинг ташкилий- функционал қисми фаол ўқитиш усули узвийлик, узлуксизлик, муаммони ҳал этиш, шахсга йўналтирилган ва компетенцияли ёндашувлар тамойилларига асосланган ўқитиш орқали амалга оширилади.

Моделнинг баҳоловчи компонентлари мотивация, назорат, алоқа каби элементлардан иборат.

Ишлаб чиқилган талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг тузулмавий-мазмунли моделида якуний таркибий компоненти баҳолаш компоненти ҳисобланади. Баҳолашнинг моҳияти ахборот компетентлигининг ривожлантириш даражасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотлар давомида талабаларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган усул ва ёндашувлар, касбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилганлиги; таълим жараёнида репродуктив (эсда сақлаб қолиш) фаолиятга хос мустақил вазифаларнинг қўлланилиши (бир вақтнинг ўзида касбий ижодкорликни талаб этиши); педагогик диагностика ахборот компетенцияни такомиллаштириш даражасини аниқлашмаслиги ҳамда яқка тартибда индивидуаллаштирилган ижодий таълим даражасининг юқори эмаслигини кўрсатди.

Талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш мақсадида рақамли таълим ресурсларини жорий этиш босқичлари қуйидагича (5-расм) аниқланди.

№	Босқичлар мазмуни	Қутиладиган натижа
1.	Олий таълимда моделлаштирилган рақамли таълим ресурсларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш ва баҳолаш	моделлаштирилган рақамли таълим ресурсларидан фойдаланишнинг мавжуд ҳолати ҳақидаги дастлабки хулосалар олинади
2.	Олий таълим моддий-техник базасини такомиллаштириш йўллари белгилаш	таълим жараёнларининг моддий-техник базаси такомиллаштирилади
3.	Моделлаштирилган рақамли ресурсларни яратиш бўйича ижодий гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш ва вазифаларини белгилаш	Ресурсларни яратиш бўйича ижодий гуруҳлар шакллантирилади, вазифалар белгилаб берилади
4.	Моделлаштирилган рақамли ресурсларни яратиш ва фойдаланиш учун тайёрлаш	Моделлаштирилган рақамли ресурслар яратилади
5.	Моделлаштирилган рақамли ресурслардан фойдаланиш механизмини ишлаб чиқиш	Моделлаштирилган рақамли ресурслардан фойдаланиш механизми ишлаб чиқилади

№	Босқичлар мазмуни	Қутиладиган натижа
б.	Моделлаштирилган рақамли ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги мониторингини ташкил этиш	Моделлаштирилган рақамли ресурслардан фойдаланиш мониторинги тизими яратилади

### **5-расм. Моделлаштирилган рақамли таълим ресурсларини жорий этиш босқичлари**

Тадқиқотлар давомида талабаларни ўқитиш жараёнида қўлланиладиган усул ва ёндашувлар, касбий билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштиришга қаратилганлиги; таълим жараёнида репродуктив (эсда сақлаб қолиш) фаолиятга хос мустақил вазифаларнинг қўлланилиши (бир вақтнинг ўзида касбий ижодкорликни талаб этиши); педагогик диагностика ахборот компетенцияни такомиллаштириш даражасини аниқламаслиги ҳамда яқка тартибда индивидуаллаштирилган ижодий таълим даражасининг юқори эмаслигини кўрсатди.

Ривожланаётган Smart education ёки "ақлли таълим" бу бутун дунёда рақамли контент ёрдамида эркин интерактив таълим муҳити ўрганилмоқда. Аслида, Smart education рақамли таълим ресурслари орқали билимларнинг кенг имкониятидир. "Ақлли" таълимнинг мақсади таълим жараёнини электрон муҳитга ўтказиш орқали ўқув жараёнини энг самарали қилишдир. "Ақлли" электрон таълимга ўтиш шартларидан бири китоб мазмунидан фаол мазмунга ўтишдир.

Махсус педагогик-психологик шароитларга мослаштирилган, талабаларнинг ахборот компетенцияларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи креатив технологияларга асосланган методика таклиф этилди. Ушбу методика мазмунида талабалар ахборот компетентлигини ўқув ва аудиториядан ташқари ишлар жараёнида муаммоли маърузалар, ижодий семинарлар, амалий машғулотлар, симуляция ва моделлаштириш орқали ҳамда интегратив-ижодий топшириқлар тўплами воситасида, шунингдек, рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида такомиллаштиришни кўзда тутилади.

Талабаларнинг ахборот компетентликни ривожлантириш методикаси “Blended learning”, “Flipped classroom”, Flesh технологиялари, лойиха, кейс-стади ва эвристик ривожлантирувчи ёндашувларга эмперик-дедуктив синхрон мослаштириш асосида такомиллаштирилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, моделлаштирилган рақамли таълим ресурслари асосида талабаларнинг ахборот компетентлини ривожлантириш тадқиқотимизнинг асосий вазифаси этиб белгиланди.

**Диссертациянинг “Педагогик тажриба-синов ташкил этиш ва ўтказиш”** деб номланган учинчи бобида рақамли ресурсларни моделлаштириш асосидаталабаларнинг ахборот компетентлини ривожлантириш самарадорлигини баҳолашда қўлланиладиган диагностик мажмуа таҳлил этилган; қўлланган методика ва яратилган педагогик шарт-шароитнинг таълим натижасига таъсирини экспериментал ўрганиш натижалари баён қилинган.

Рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлини ривожлантириш бўйича асословчи тажриба-синов ишининг мақсади – рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот



компетентлини ривожлантиришга оид моделини амалиётга татбиқ этиш натижаларини таҳлил қилишдан иборат.

Тажриба-синов ўтказишда қуйидаги усуллардан фойдаланилди: тадқиқот “Дискрет тузилмалар” фанини ўқитиш жараёнида педагогик кузатув, қиёсий таҳлил, анкета сўровномалари, суҳбат, тест, баҳс-мунозара, илғор тажрибаларни умумлаштириш, натижаларни математик-статистик қайта ишлаш ва таҳлил этиш усуллари.

Педагогик тажриба 2017-2020 ўқув йиллари давомида Республикамизнинг Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида, Нукус филиалида ҳамда Фарғона филиалларида ўтказилди.

Тажриба ўтказилган олий таълим муассасаларининг ҳар бирида “тажриба” гуруҳлари танланди. Мазкур тадқиқотда қўйилган ғоялар ва методик таклифларга асосан, тажриба-синов ўқитиш ишлари олиб борилиб, мақсаддан келиб чиққан ҳолда, тажриба-синов ишларининг мазкур босқичида қуйидаги вазифалар ҳал этилди: рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш учун зарур бўлган ўқув курсларини ишлаб чиқишга доир концептуал ёндашувларни аниқлаш, “Талабаларнинг ахборот компетентлиги” тушунчаси мазмуни ва тузилмасини аниқлаштириш, рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришнинг амалиётга йўналтирилган моделини синовдан ўтказиш, рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантиришга доир таълим ресурсини ишлаб чиқиш; ишлаб чиқилган модулли дастур асосида талабалар ахборот компетентлигини ривожлантириш жараёни сифати ва самарадорлигини баҳолаш.

Таъкидловчи тажриба-синов босқичи (2017-2018 йиллар)да ишлаб чиқилган дастурий воситалар ўқув жараёнида синаб кўрилди. Унинг учун қуйидаги ишлар амалга оширилди: тузилган режа асосида биринчи босқичдаги тажриба-синов ишлари давом эттирилди, тажриба-синов ишларини ўтказиш вақтида кузатиш натижаларига қараб, уларга тузатишлар киритилди.

Бунда асосан тажриба-синов ишларининг мақсади, мазмуни уларни амалиётга жорий этиш методикасига катта эътибор берилди, тажриба-синов ишларидан олинаётган жорий ва оралиқ натижалар мунтазам равишда миқдор ва сифат жиҳатидан таҳлил қилиб борилди ҳамда заруратга кўра айрим ўзгартиришлар киритилди, рақамли ресурсларни моделлаштириш асосида “Дискрет тузилмалар” фани таълим жараёнлари педагогик лойиҳалаштирилди, улардан амалиётга жорий этишда фойдаланилди.

Тажриба-синов ишларининг иккинчи ижро босқичида олий таълим муассасалари бўлажак АКТ мутахассисларини тайёрлаш жараёнида умумкасбий фанларни ўқитишга замонавий ахборот технологияларини қўллаш бўйича ишлар олиб борилди.

Шакллантирувчи тажриба босқичи (2018-2019 йиллар)да талабаларнинг умумкасбий фанларни ўрганиш натижасида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари даражаси аниқланди.

2019-2020 ўқув йилида педагогик тажрибанинг учинчи ўқитиш босқичи ўтказилди. Ўқитиш ишлари гуруҳларда тажрибали ўқитувчиларнинг ўзлари қатор тажриба-синов ишларини амалга оширдилар. Бунда тадқиқотчи фақат тажриба ишлари математик-статистика таҳлили билан шуғулланди.

Педагогик тажриба-синов жараёнида педагоглар билан суҳбатлар ташкил этилди, анкеталар тарқатилди ва талабалардан тарқатмалар, баҳс-мунозара саволлари, оғзаки сўровлар, ёзма иш, стандарт ва ностандарт тестлар ўтказилди


Бу босқичда университетларнинг иккинчи курс талабаларидан тажриба ва назорат гуруҳлари тузилди. (1-жадвал қаранг).

**1-жадвал**


**Педагогик тажриба ишларида иштирок этган талабалар сони**

Гуруҳлар	Жами талабалар сони	Ўқув йиллари		
		2017-2018	2018-2019	2019-2020
Тажриба	260	88	82	90
Назорат	250	83	83	84
жами:	510	171	165	174

**Жадвал кўрсаткичларига мувофиқ якуний тажриба натижалари асосида 1-диаграмма шакллантирилди (6 ва 7-расмлар):**



**6-расм.**



## 7-расм. Респондент-талабалар томонидан амалиёт топшириқларнинг бажарилиш кўрсаткичлари (тажриба якунида)

Якуний кўрсаткичлар К.Пирсоннинг  $\chi^2$  (хи квадрат) мезони асосида таҳлил қилиниб, тегишли хулосалар чиқарилди. Статистик таҳлил 2-диаграмма кўрсаткичлари асосида амалга оширилди. Статистик қиймат натижаларига кўра  $\chi^2_{\text{кузатув}} > \chi^2_{\text{критик}}$  бўлгани учун тажриба гуруҳларининг ўзлаштириши назорат гуруҳларига нисбатан сезиларли даражада ошиб, уларнинг самарадорлик кўрсаткичи 2017-2018 ўқув йилида 1.06 баробар, 2018-2019 ўқув йилида 1.11 баробар ва 2019-2020 ўқув йилида 1.19 баробар га юқорилиги аниқланди.

### ХУЛОСА

1. Амалга оширилган тадқиқотлар олий таълим муассасаларида талабаларнинг ахборот компетентлиги ривожланиш самарадорлигини таъминлайдиган ўқитиш мазмун, шакл, метод, восита ва технологияларини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш зарурлигини кўрсатди.

2. Талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш учун ишлаб чиқилган моделлаштирилган рақамли ресурслар ва уларни ўзлаштириш учун турли машқ, топшириқ, назорат ишлари, виртуал методик дастурий воситаларнинг самарадорлиги амалиёт жараёнида кузатилган.

3. Талабаларда ахборот компетентлик даражаси мотивацион-коммуникатив техник, ташкилий-гностик фаолиятли, креатив-рефлексив психологик компонентларини ўзини ўзи баҳолашнинг педагогик имкониятларини диагностик лойиҳалаштириш асосида такомиллаштирилган

4. Моделлаштирилган рақамли таълим ресурсларининг мақсади ҳар бир талабаларнинг ўқув фаолиятини назорат қилиш ва баҳолаш ҳисобланади. Талабаларнинг ўқув материалларини ўзлаштирганлигини назорат қилиш мақсадида ишлаб чиқилган баҳолаш усуллари уларнинг таълим олишдаги ўзлаштириш даражасини аниқланган.

5. Талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш модели вариатив, статистик, репродуктив, продуктив қисман изланувчан, изланувчан-креатив психологик омилларнинг шаклланиш хусусиятларини аниқлаш асосида такомиллаштирилган;

6. Олий таълим тизимининг мавжуд педагогик функцияларини ўз ичига олган, интеграцияланган ахборот-таълим таъминотини амалга оширишга қаратилган моделлаштирилган рақамли таълим ресурслари таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш методикасига асосланган рақамли таълим ресурслари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилган.

7. Талабаларда ахборот компетентликни ривожлантиришда педагогик шарт-шароитларни, самарали йўлларни, ана шу мақсадга йўналтирилганлиги

педагогик фаолиятнинг ташкилий шакллари, методлари, воситалари ва технологияларини аниқлаб олиш, уларни мақсадли танлаш имконлари аниқланган.

8. Ахборот компетентликни ривожлантириш методикаси “Blended learning”, “Flipped classroom”, Fresh технологиялари, лойиҳа, кейс-стади ва эвристик ривожлантирувчи ёндашувларга эмперик-дедуктив синхрон мослаштириш асосида такомиллаштирилган

9. Моделлаштирилган рақамли таълим ресурслари орқали талабаларнинг ахборот компетентлигини ривожлантириш амалиётида талабаларнинг ўртача ўзлаштириш катталиги 1,06- 1,19 баробарга ошганлиги аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01. 2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЁНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
УНИВЕРСИТЕТ**

**УРАЗМЕТОВА ШОИРА АЗАТБАЕВНА**

**РАЗВИТИЕ ИНФОРМАЦИОННОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ  
НА ОСНОВЕ МОДЕЛИРОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ РЕСУРСОВ**

13.00.06 – Теория и методика электронного обучения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по педагогическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2021.4.PhD/PeD2934.**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу ([www.tdpu.uz](http://www.tdpu.uz)) и на Информационно образовательном портале «ZiyoNet» по адресу ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)).

**Научный руководитель:** **Абдуллаева Барно Сайфутдиновна**  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Карлыбаева Гулжахан Ермекбаевна**  
доктор педагогических наук, доцент

**Муминов Баходир Балтаевич**  
доктор технических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Джизакский государственный педагогический институт**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года в \_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском Государственном Педагогическом Университете (Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27. Тел.:(99871)276-79-11; факс: (99871)276-80-86, e-mail: [tdpu\\_kengash@edu.uz](mailto:tdpu_kengash@edu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского Государственного Педагогического Университета (зарегистрирована за №\_\_\_). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, ул. Бунёдкор, дом 27.Тел.: (71) 246-90-38; (71) 246-90-39; Факс: (71) 246-90-37.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2022 года.  
(реестр протокола рассылки №\_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2022 года).

**М.Э.Хайдаров**  
Председатель Научного совета по  
присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор,  
академик

**Р.Г.Исянов**  
Секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

**Н.А.Муслимов**  
Председатель Научного семинара при  
Научном совете по присуждению ученых  
степеней, д.п.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** В учебных заведениях мира внедряются в учебный процесс креативные образовательные технологии развития информационной компетентности студентов на основе моделирования цифровых ресурсов. В новой концепции образования до 2030 года, принятой международными организациями и развитыми странами, признан, что «Образование является ключевым двигателем развития и важной деятельностью, ведущей к достижению целей устойчивого развития»<sup>3</sup>. Ведутся крупные проекты по качественному образованию, развитию высокого уровня навыков и умений учащихся и студентов, созданию электронных информационно-образовательных ресурсов, внедрению современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий в образовательный процесс при определении перспективных направлений моделирования образовательного процесса.

В мировых образовательных и исследовательских учреждениях ведутся международные научные исследования по повышению эффективности использования электронных информационных и образовательных ресурсов, совершенствованию методологического обеспечения наук, развитию профессиональных компетенций студентов, широкому и массовому использованию мультимедийных, информационно-коммуникационных технологий на занятиях. Особое внимание уделяется научным исследованиям по автоматизацию производственных процессов, экономическому развитию с помощью информационных и коммуникационных технологий, внедрению новых информационных технологий в процесс управления, обеспечению обучающихся инновационными знаниями в сфере деятельности, постоянному повышению профессиональных навыков и компетенций.

В последние годы в нашей стране организуются и создаются материально-техническая база по обеспечению мобильности высшего образования, обучению с учетом реальных секторов экономики, модернизацию учебного процесса, создаются филиалы, совместные факультеты, совместные образовательные центры престижных высших учебных заведений России, Беларуси, Франции, Южной Кореи, США, Китая, Японии, Турции, Индии, Латвии. Приоритетной задачей установлено «Дальнейшее совершенствование системы непрерывного образования, продолжение политики подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда»<sup>4</sup>. При этом дальнейшее расширяется возможности укрепления материально-техническую базу учебных заведений, обеспечения современным учебно-лабораторным оборудованием, компьютерной техникой и учебными пособиями.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализацией задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 8 октября 2019 года №УП-5847 «Об утверждении концепции развития

---

<sup>3</sup>Incheon Declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all. –р.4-5. <http://unesdoc.unesco.org/images/0023/002338/233813m.pdf>.

<sup>4</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

системы высшего образования Республики Узбекистан до 2030 года», от 5 октября 2020 года УП-6079 «Об утверждении стратегии «Цифровой Узбекистан-2030» и мерах по ее эффективной реализации», Постановлении Президента Республики Узбекистан от 6 октября 2020 года №ПП-4851 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы образования в области информационных технологий, развитию и интеграции научных исследований с ИТ-индустрией» Постановлении Президента от 20 апреля 2017 года № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также других нормативных правовых актах в этой области.

**Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей в социальном, правовом, экономическом развитии информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

**Степень изученности проблемы.** В нашей республике научные исследования по внедрению в учебный процесс информационных и коммуникационных технологий, являющихся неотъемлемой частью технологий, обоснованию теоретических и методологических основ использования информационно-коммуникационных технологий, созданию электронной литературы, электронных информационно-образовательных ресурсов, программных оболочек проводили: А.А.Абдукодиров, Б.А.Абдуллаева, М.М.Арипов, А.Р.Ахмиджанова, У.Ш.Бегимкулов, Р.Бокиев, Ф.Зокирова, Р.Г.Исянов, Н.А.Муслимов, Б.Раджабов, И.И.Тайлаков, Ш.С.Юлдашев, А.Г.Хайтовлар, Н.А.Каюмова, М.Х.Лутфиллаев, М.Е.Мамараджабов, Д.Маматов, Д.Тоштемиров, Н.И.Тайлаков, С.К.Турсунов, Р.Д.Шодиев, Т.Т.Шоймардонов.

